Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бир савоб ёзилади. Ўша савоб ўн баробар зиёда қилинади

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бир савоб ёзилади. Ўша савоб ўн баробар зиёда қилинади. Мен: «Алиф лам мийм»ни бир ҳарф демайман, балки «алиф» бир ҳарф, «лам» бир ҳарф ва «мийм» бир ҳарфдир», – дедилар».

[Ҳасан] [Тирмизий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиган ҳар бир мусулмонга битта ҳасанот берилишини ва бир ҳасанот шу сингаридан ўнтага кўпайишини хабар бердилар. Сўнгра: «Мен: «Алиф лам мийм»ни бир ҳарф демайман, балки «алиф» бир ҳарф, «лам» бир ҳарф ва «мийм» бир ҳарфдир», деб баёнладилар. Шундай қилиб ўттизта ҳасанот бўлади.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/6275